



Улугбек КАРИМОВ

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

u_n_karimov0101@mail.ru

АМАЛИЙ ЧЕТ ТИЛИ МАШГУЛОТЛАРИДА ЎҚИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ушбу мақолада ўқиши ўрганиш, унинг мақсад ва вазифалари, ўқиши техникаси ҳамда ўқитишида фойдаланиладиган методлар ҳакида фикр юритилган. Амалий чет тили машғулотларида ўқиши кўникмаларини ривожлантириш, илмий изланишлар натижалари асосида таҳлил қилинади.

Статья посвящена изучению чтения, цели и задач чтения, методов чтения и различных методов, используемых в чтении. Совершенствование знаний по методике чтения на практических занятиях иностранного языка рекомендуется согласно результатам различных научных исследований.

This article devoted to learning reading, aim and tasks of reading, techniques of reading and the different methods used in reading. Improvement of reading competences in practical foreign language lessons are analyzed according to the results of various scientific researches.

Калит сўзлар: ўқиши, нотаниш матн, ўқиши ўргатиш, ўқиши мақсади, ўқиши вазифаси, ўқиши механизмлари, қабул қилиш, тушуниш, метод.

Ключевые слова: чтение, неизвестный текст, преподавание чтения, цель чтения, задача чтения, механизм чтения, восприятие, понимание, метод.

Key words: reading, unknown text, teaching reading, aim of reading, task of reading, mechanism of reading, perception, comprehension, method.

Чет тилда ўқиши кўникмасини ривожлантириш ўрта таълим ўқувчилари учун якуний амалий мақсад ҳисобланади. Шундай экан, келинг “ўқиши” тушунчасини моҳиятига этибор қаратайлик: ўқиши деганда, ҳарфий белгиларда ифодаланган

нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини пайқаш жараёни тушунилади(1).

Ўқиш-таниш, қисман нотаниш тил материаллари асосида нотаниш мазмунли матнни ўқиб маълумот олиш, мазмунни тушуниш, идрок талқин қилишдир. Ўқиш алоқа қилишнинг ресептив туридир. Ўқиш ёзма нутқидир, коммуникация қилиш учун нутқ фаолиятининг туридир. Ўқиш орқали талаба ўрганилаётган мамлакат тили маданияти ҳаёти тарихи урф-одатлари билан танишади. Ўқиш маълумот олиш манбаидир.

Хозирги пайтда ўқиш фақатгина маълумот олиш манбаи деб қаралмайди. У орқали фонетик, грамматик, лексик материаллар, графика, орфографияни кўлланилиши ўзлаштирилади, янги лексика билан доимо бойитиб борилади.

Ўқиш кўникмаси тинглаб тушуниш, гапириш, ёзма баён қилишда ва ўзгалар фикрини ёзишни ўргатишда восита ҳам бўлади.

Ўқишининг асосида амалийтаълимий тарбиявий ривожлантирувчи мақсадлар ётади. Ўқишининг асосий мақсади – амалий мақсад – инглиз тилида кўз юргутириб ўқиб чиқиш изланиб ва мазмун билан танишиш яъни ўқиб маълумот олишдир.

Олий ўқув юртиларида ўқишик ўникмасининг қўйидаги мақсад ва вазифалари мавжуд: ўқишини ўргатиш касбини, малакасини шакллантириш, ривожлантириш; ўқишиниолдига талабаларни оригинал адабиётларни мутахассисликга оид ўқиб маълумот олиш ҳамда турли мақсадларда ўқий олиш; бир тилли икки тилли лугатлардан, муҳим маълумотлардан фойдалана билиш; мустақил ўқиш.

Амалий инглиз тилида ўқиш устида ишлашнинг мазмуни, механизмлари бор. Ўқиш устида ишлаш мазмуни деганда биз ўқиш бойича нималар ўргатилади, нималар устида ишланади ва уларни нима қилишни ўргатиш тушунилади.

И.А.Грузинская “Ўқиш механизми — кўз илғайдиган матн материалини товуш образлари билан тўғри, тез аниқлаб олиш, матннинг бўлакларини тўла товуш оҳанг аниқлигига айтиш маҳорати” деб тарифлайди.

Ўқиш механизмларига қўйидагилар киради: белгилар; ҳарфлар; ҳарфбирикмалари; сўзлар; гаплар ва уларни талаффуз қилиб, ўқиш; ритм; оҳанг; хотира; идрок қилиш; антисепация-олдиндан билиш; фаҳмлай олиш; тезликлар.

Хозир ўқишининг психо-физиологик механизмлари аниқланиб унга қўриш — ёзув ва нутқ — ҳаракат сезгилари киритиляпди. Улар ўзаро бирга нутқ фаолиятида иштирок этиб, ўқиш пайтида маълумот олишни таъминлайди. Мазмун ифодаланиши ўқиш механизмлари орқали амалга оширилади.

Инглизча матнни ўқиб тушунишда 2 та жараён содир бўлади:

- 1) Қабул қилиш (vospriyatiye);
- 2) Тушуниш (ponimaniye).

Инсонда иккита сигнал тизими бор. Биринчи сигнал ҳаракатга предметларни таъсири натижасида, предметларни таъсири натижасида предмет қўзғатувчилар асосида қарашига тушади, иккинчи сигнал тизими сўз қўзғатувчи асосида (сўзлар таъсир қилиб кузатиш асосида) ҳаракатга тушади. Шунинг асосида қабул қилиш биринчи сигнал тизими, тушуниш эса иккинчи сигнал тизими. Қабул қилиш ҳиссий бўлиб, сезиб тушуниш(дир, биринчи сигнал тизими)нинг чегараланган иш фаолиятидир, тушуниш эса онгли қабул қилишидир. Бу иккинчи сигнал тизими(нинг шартланган иш фаолиятидир, тушуниш эса онгли қабул қилишдир). Бу иккинчи сигнал тизими(нинг шартланган иш фаолиятидир). Иккинчи сигнал тизими фақатгина биринчи сигнал тизими асосида вазифаси (функцияси)ни бажара олади. Биринчи сигнал тизими эса иккинчи сигнал тизимисиз бажара олади, иккинчи эса биринчисиз бажарилмайди. Бундан шу хулоса келиб чиқадики — тушуниш қабул қилишсиз бўлмайди, қабул қилиш эса тушунишсиз бўлади. Психологик нуқтаи назардан матнни тўғри талаффуз қилиб, унинг мазмунини тушунмай ўқиш бу ўқиш эмасдир. Ўқиш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш, кўриш, қабул қилиш, талаффуз қилиш, тинглаш, тушуниш жараёнларини бир-бирини билан тўғри чамбарчас боғлаб, бир жараён ҳосил қила олишидир.

Амалий инглиз тилида ўқиш устида ишлаш мобайнида қўйидагиметодик усулларни этиборга олишимиз керак. Тил олий ўқув юртида амалий инглиз тилида ўқиш устида ишланади, ўқиш ривожлантирилади. Ўрта мактабда ўқиш ўргатилган, унга асос солинган, талабаларга ўқиш тўғрисида тушунча бор.

Ўқиш малакаси устида ишлаш педагогик профессионал йўналишига солинади, ўқишининг ривожлантириш билан бирга, ўқиш бўйича педагогик профессионал малакалар шакллантирилади.

Ўқиш техникасига кўра ўқиш техникаси, ўқиганни мазмунини тушуниш ўргатилади, у ривожлантирилади.

Ўқиш техникасини ўргатишда бир неча методлардан фойдаланилган.

1. The phone method — фоник метод. Олдин товушларни кўрсатилиб, кейин графика (символи) — ёзув белгисини ифодаловчи ҳарф кўрсатилади, ўқитилади. Бу методни З. М. Тsvetkova методи деб ҳам аталади.
2. The word method — бутун сўзни ўқиб бериш ва уни қайтартириб ўқитиш орқали ўқитиш техникаси ўргатилади.

3. The sentence method — гапни ўқиб бериш ва уни қайтартыриб ўқитиш орқали ўқиш техникаси ўргатилади. Бу метод С.К. Фоломкина ва Каар методи деб ҳам юритилади.
4. Ҳозир аналитико-синтетик метод — ҳам ўқиш техникасини ўргатиш устида ишлаганда қўлланилади.

Она тилида саводхонликга ўргатишда ҳам яна шу методдан фойдаланилади. Бу метод бўйича ўқиш техникасини ўргатишда бир қанчақоидалари мавжид, бу қоидаларни амалий ўзлаштириш учун сўз таҳлили яъни сўзни бўғинларга ажратишда товуш ҳарф муносабатларини аниқлашда қўлланилади, ундан кейин сўзнинг яхлит (синтетик) ҳолда идрок қилиш автоматлаштирилади(2).

Бунда аналитико-синтетик методни аналитик қисми бажарилади, яъни гап, сўзлар анализ-таҳлил қилинади, синтетик қисми бажарилади, яъни гап, сўзлар анализ-таҳлил қилинади, синтетик қисмида эса товуш, товушбирикмаси қўшилиб ўқилади, талаффуз қилинади, яъни синтез қилинади.

Маълумки, ўқиш техникасига тўғри урғу, оҳанг билан ўқишни ўргатишҳам киради. Ўқитувчи унинг учун сўзларга урғу қўйдириб, устун - устун қилиб якка, жўр қилиб ўқиттиради. Оҳангни, ритмни ўргатиш учун эса намунавий гаплар олиниб улардаги сўзларга ургулар, оҳангни ифодаловчи кўтарилиувчи пасаювчи белгилар қўйдирилади, тушунтириб якка, жўр қилиб, ўқитиб ўргатиш мумкин.

Ҳаммамизга маълумки, олий ўқув юртларида Пресетт дастури жорий қилинмасдан олдин ўқитувчи талаба билан ўқишни ўргатиш жараёнида матн юзасидан савол жавобни ўзбек тилида мухитдан келиб чиқкан ҳолда олиб бориш имкониятига эга эди. Аммо Ҳозирги замон олий ўқув юртларида дарс жараёни қаътий инглиз тилида олиб борилиши лозим.

Инглиз тилини ўқитишда катта самараларга эришиш учун олий ўқув юрти аудиторияларида тўлиқ инглиз тили мухитини яратиш лозим, яни ўқилган матнни тўлиқ инглиз тилида баён этиш, ўқитувчи томонидан матн юзасидан ўтказиладиган савол-жавоблари тўлиқ ҳолда инглиз тилида ўтказиш лозим. Ўқитувчи ўқишни ўқитиши жараёнида олий ўқув юрти талабаси қайси босқичда таълим олишини, ёшини, билим даражасини этиборга олган ҳолда матн танлаши мақсадга мувофиқдир.

Ўқишни ўргатиш – нутқ фаолияти турини ўргатиш деб қаралмоғи лозим. Ушбу қоидани инобатга олиб иш юритилганда, талabalарга ўқиш ҳақида тўғри йўлланма берилади. Тажрибада қузатиладиган методик хатолардан бўлмиш тил материалини ўзлаштириш ёки матнга яқин гапириб беришни ягона ўқув вазифаси қилмасдан, матн фаолиятида қўллаш материалига айлантириш олдинги ўрнига

чиқарилиши тавсия этилади. Олий ўқув юрти талабаларига матнни ўқиб ахборот олишни машқ қилдириш бирламчи якуний мақсад амалда тадбиқ этилиши керак. Бунга нутқий амалларни бажариш билангина эришилади, бу жараёнда муайян натижага эришиш мазмунни билиб олиш, ахборотни эгаллаш кўзда тутилади. Матнни ўқиш маънавий бойишга, янги янги ахборотларни олишга қаратилган ўқув-методик тадбирдир. Юқорида айтиб ўтилган методларни қўллаш орқали, ўқишни ўргатиш машқларини дарс жараёнида қўллаш нутқ малакаларини ўстиришга катта хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Очерки методики обучения чтению на иностранных языках — Т.: / Под ред. И.М.Бермана и В.А.Бухбиндера. — Киев: Высшая школа, 1977.
2. Хошимов Ў. Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиши методикаси. — Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси Бош таҳририят, 2003.
3. Жалолов Ж. Ж. Чет тили ўқитиши методикаси Ўқитувчи нашрёт-матбаа ижодий уйи Т. 2012.
4. Рогова Г. В. Methods of teaching English. — Ленинград, 1975.
5. Хэгболдт П. Изучение иностранных языков. — М., 1963.